

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиقا бошлаган

ШАХДАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 73 (12.134)

Баҳоси эркин нарҳда

Президентимиз  
Ислом Каримов  
ташаббуси билан  
ёшларнинг бадий-  
естетик дидини янада  
юксалтириш, уларни  
санъатнинг  
мафтункор дунёсига  
ошно этиш, мусиқа  
тълимини  
ривожлантириши  
борасида изчилик  
билан амалга  
оширилаётган эзгу  
ишлар кўплаб  
истеъод  
соҳибларини кашф  
етиш, уларнинг  
халқаро танловларда  
муваффақият  
қозонишида муҳим  
омил бўлмоқда.

## Мусиқа

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Muhammed Amin (ЎЗА) олган сурат

## БАРНО – ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ФОЛИБИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг З-  
боскич талабаси Барно Исматуллаева Москва  
шаҳрида бўлиб ўтган «Bella Voce» (Ноёб овоз)  
талаба хонанда-ижроқарларнинг XVIII халқаро  
танловида биринчи ўринга лойик топилгани бу-  
нинг яна бир ёркін далилдид.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида  
«Ўзбекистон маданияти ва санъати формузи»  
жамғармаси билан ҳамкорлика ташкил этил-  
ган матбуот анхуманида мусиқа тълимини ри-  
вожлантириши бўйича амалга оширилаётган  
эзгу ишларнинг машиналардан улкан самара-  
ри мусиқида атрофлича сўз юритилди.

Мазкур олий талим даргоҳи ректори Д.Му-  
родова, Ўзбекистон халқ артисти И.Жалилов  
ва бошқаралар ёшлар маънавиятини юксалти-  
риш, уларни миллий ва жаҳон мусиқа санъа-  
тининг нодир намуналаридан баҳраманд этиш  
Президентимиз Ислом Каримов томонидан  
тълим-тарбия соҳасида амалга оширилаёт-  
ган илоҳотларнинг узвий қисми эканини тъ-  
килади.

Андижон шахридаги санъат коллежида таҳ-  
сил олган Барно 2009 йилда мусиқа ўйнали-  
шидаги ўрта маҳсус таълим мұассасалари  
ўкувларининг республика кўрик-танловида,  
Назира Ахмедова номидаги ўз хонадорлар  
танловида опера бўйича совринли ўрингар-  
ла, 2010 йилда эса «Нюхол» муроғотига сазо-  
вор бўлган.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом  
Каримов томонидан ёшлар камолоти, уларни  
истеъодидар мамлакати экани «Bella  
Voce» XVIII халқаро танловида хам яна бир  
бор алоҳида ётириф этилди. Яратилаётган  
фамхўрлик ва ётириға ҳар жиҳатдан мун-  
сиб бўлиш бизнинг чин фарзандлик бури-  
миздир.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухабири

## Танлов

### ЭЪТИБОР ВА РАФБАТ ИЖОДИЙ ПАРВОЗГА УНДАЙДИ



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида  
журналистика соҳасида «Олтин қалам» VII  
Миллий муроғоти учун халқаро танлов  
ташкилий қўмитасининг ўйнилиши бўлиб  
ўтди. Унда халқаро танловнинг жорий  
йилиги ғолиб ва совриндорларини  
такдирлашга багишланган тантанали  
маросимини ўтказиш билан боғлиқ  
масалалар муҳокама қилинди.

Тегиши вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари  
вакиллари, оммавий ахборот восьиталари ходимлари иштирок этган йи-  
ғилишда «Олтин қалам» Миллий муроғоти ташкилий қўмитаси раиси, Ш.Фуломов ва бош-  
қалар Президентимиз Ислом Каримов раҳномолигида мамлакатимизда демократик илоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини  
ни ривожлантириши борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбир-  
лар жараёнда ахборот соҳасини ислоҳ этиш, фуқароларнинг сўз ёркін-  
лигини тъминлашга қаратилаётган алоҳида ётибор юксак самарарапар  
бераёттанини таъкидлайди. Истиқол љилларида мамлакатимиз оммавий  
ахборот восьиталари маъно-мазмун жиҳатидан бутунлай янгиланди.

Журналист кадрларнинг меҳнатини эъзозлаш ва ҳар жиҳатдан рағ-  
батлантирища, ижодини янада юкори талаблар асосида йўлга кўйиш-  
да анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ижодий кўрик-танловларнинг  
ахамияти катта.

(Давоми 2-бетда)

### ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимигигина Ахборот  
хизмати ва ўз мухабараларимиз хабарларидан.

BUGUN Мирзо Улуғбек но-  
мидаги Ўзбекистон Миллий уни-  
верситети талаба-ёшлари ўртаси-

да «Менинг мустаҳкам оиласи»  
мавзуисида тадбир бўлиб ўтди.

✓ КЕЧА Ўзбекистон Миллий  
матбуот марказида ўтказилган ан-  
жуманда аҳолини, айниқса,  
ёшларни қандли диабет касалли-

гидан муҳофаза қилиш борасида  
амалга оширилаётган чора-тад-  
бир ҳақида сўз борди.

✓ КЕЧА Ўзбекистон Хотин-қиз-  
лар қўмитаси, Ўзбекистон нодав-  
лат нотижорат ташкилотлари мил-

лий ассоциацияси, БМТ Аҳоли-  
шунослик жамғармаси ва бошқа  
ташкилотлар ҳамкорлигига таш-  
кил этилган семинар-тренинг «Хо-  
тин-қизлар ҳукуқлари милий мон-  
иторингини такомиллаштириш»  
деб номланди.

Ўзбекистон Республикаси ва Испания  
Қироллиги ўртасида дипломатия  
муносабатлари ўрнатилгани муносабати  
билан Мадриддаги «Интерконтинентал»  
мехмонхонасида қабул маросими бўлиб ўтди.

### МАДРИДДА БЎЛИБ ЎТГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИ МУҲИМ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда Испаниянинг сиёсий, эксперт, иқтисодий ва маддиний-гу-  
манинг доиралари, мамлакат жа-  
моятчилиги вакиллари, БМТ Жаҳон  
сайёхлиги ташкилоти (ЮНВТО) ра-  
ббарияти, Мадридда аккредитация-  
дан ўтган хорижий давлатлар дип-  
ломатия миссиялариниң раҳбарлари  
ва ходимлари хозир бўйдилар.

Қабул маросими иштирокчилари-  
ни кутлар экан, мамлакатимизнинг  
Испаниядаги элчиси Ўзбекистон —  
Испания ҳамкорлигининг тарихи,  
буғунги ҳолати ва иккни мамлакат  
ўртасида дипломатия муносабатлари  
ўрнатилгандан бўён ўтган давр  
мобайнида ёршилган натижалар  
хусусида атрофлича тўхтади. У  
Ўзбекистон Республикаси Прези-  
денти Ислом Каримовнинг 2003 йил  
январь ойида Испанияга буюрган  
давлат ташрифи ҳамда 2009 йил  
май ойидаги амалий ташрифи чо-  
ғифа иккни томонлами ҳамкорлигининг  
мустаҳкамларни ўзаро манфаатни ҳам-  
корликдан чукур мамнуният изҳор  
этар экан, ўтган йилдан бўён Тош-  
кент ва Самарқанд ўртасида Испа-  
ниядан олиб борилган юкори тез-

лидка ҳаракатланувчи «Talgo-250»  
поездлари мунтазам қатнаётганини  
айти.

М.Ориоль нисбатан киска муд-  
дат ичди Ўзбекистон билан илик  
муносабатлар юзага келгани ва ўз  
компанияси мамлакатимиздаги та-  
мир йўл катонининг шаклланган  
йўналишларини модернизация  
қилишга ўз хиссасини қўшаёттани-  
дан мумин эканлигини тақдилади.

«Ўзбекистон» ва унинг халқи учун  
юқори тезлигидаги темир йўл ҳа-  
ракати йўналишни лойиҳалаштири-  
шав барпо этишда катниши Испания  
ва, хусусан, «Talgo» учун ша-  
раф бўлди, деди у. Ўзбекистон ва  
Испания ўртасидаги бундай ҳамкор-  
лик узок йиллар давомида бардо-  
вомидан мумин эканлигидан тақдилади.

Таникли испанияни сиёсатчи, сабаки сенатор Лиус Фрага  
Ўзбекистон ва Испания ўртасида дипломатия муносабатлари ўр-  
натилгандан бўён ўтган 20 йил давомида ҳар иккни мамлакат тўғрисидаги  
саҳибият, уларнинг иқтисодий саҳибият, ҳалқараларимизнинг бой мад-  
даний ва тарихий мероси ҳақидаги билимлар даражаси ошиди. Хозирги  
пайтада Ўзбекистон Республикаси  
нинг Мадриддаги элчинониси билан  
бирада гиризлидаги Испаниянига пар-  
ламентининг депутатлари ва сенаторлари  
орасидан Ўзбекистон достлари гурухини тузиш юзасидан  
сайёх-ҳаракатлар олиб борилмоқда.  
Бу келажакда иккни томонлами мус-  
носабатларни парламент вакиллари  
ва жамоат арбоблари даражасида  
кенгайтириши ва мустаҳкамлар  
имконини беради.

(Давоми 2-бетда)

**Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)  
соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий  
принциплари мамлакатимизда жаҳон ахборот  
маконига интеграциялаши ёшларини  
жадаллаштириш мақсадида АКТни жамиятнинг  
барча жаҳбаларига кенг жорий қилиши  
назарда тутади.**

компаниялари хизматларидан  
фойдаланмоқда, бугунги  
кунда мобиљ тармок Ўзбе-  
кистоннинг барча ҳудудини

комплекс ёндашиш зарур.  
Президентимиз Ислом  
Каримовнинг 2012 йил 21  
марта қабул қилинган за-  
монавий ахборот-коммуникация  
технологияларини янада рivoхлан-  
тириш ва жорий қилиш чора-тад-  
бирларига оид карорида шундай  
вазифалар белгиланган. Ушбу ҳуж-  
жат «Ахборотлаштириш тўғрисидаги» Ўзбекистон

Республикаси қонунига муз-  
офиз ишлаб чиқилган бўлиб, давлат ва ҳўжалик  
бошқаруви органлари, жой-  
лардаги ҳокимият органлари  
фаoliyati тарбиятниң самара-  
дорлигини ошириш, давлат ва жамият  
соҳасида замонавий ахборот-  
коммуникация технологияларидан  
кенг фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

(Давоми 2-бетда)

### ЖАҲОНДА АХБОРОТЛАШТИРИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ



МАМЛАКАТИМIZDA

• Сурхондарё вилоят Мехнат ва аҳоли-  
ни ижтимоий муҳофаза қилиш бошқарма-  
си ташаббуси билан Денов туманида  
«Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижти-  
моий химоя қилишда амалга оширилган  
ишларни ўрганиши» мавзуидаги кўргазма-  
лий ўқув-семинар ташкил этилди.

• ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол»  
ёшлар каноти ташаббуси билан Янгийўл  
туманида «Ёшлар ёт foялар ва турли за-  
рарли иллатлар таъсиридан асрар — дол-  
зарб масала» мавзууда давра сўхбати  
бўлиб ўтди.

• Самарқанд шаҳридаги «Саховат уйин-  
нинг янги биноси фойдаланиши топши-  
рилди. Иккни қаватли бу иншоот барча  
кулайликларга эга. Қариялар учун яшаш  
хоналари, дам олиш маскани, спорт маж-  
муди ва кўшимча бинолар катта дид билан  
жизоланган.

• «Навоийазот» очик акциядорлик жами-  
ятида 12 минг киши меҳнат қилади. Яқин-  
да улар сафига Навоий индустрис-иктисод-  
иётидаги ҳамда техника-иктисодиёт коллеж-  
ларининг 300 нафар битирувчиси ҳам кўши-  
лади. Куни кечак мазкур йирик кимё саноати  
мажмусида коллежлар билан ҳамкор-  
лини мустаҳкамлаш масалаларига баги-  
шланган республика семинари бўлиб ўтди.

• Бўстонлик туманидаги 18-умумталим  
мактабида ёшларнинг сув спорти билан  
мунтазам шугулланишлари учун барча  
шарчадар юртасидаги яратилди.

• Кўнтирот туманидаги «Наврўз» овул  
фуқаролар йигини ҳудудида сутни қайта  
ишлайдиган цех ишга туширилди. Натижада  
ёшлар учун янги иш ўринлари яратили-  
либ, аҳолига сифатли сут маҳсулотлари  
етказиб берилмоқда.

• Андижон вилоятининг Кўрғонтека тумани  
марказидаги маданият ва истироҳат  
богида «Ўзбекистон — умумий ўйимиз» ши-  
ори остида дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ви-  
лоятини ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда туманда истиқомат  
қилаётган турли миллатларни вакилларининг мингдан зиёд фарзандлари иштирок этилди.  
• Франция олимлари музлаткич ва кон-  
диционерлар учун совутиш мосламаси  
ясашда фойдаланилдиган янги қотиши  
кашф этилди. Ушбу қотишида ёрдамида их-  
чам, тежакор ва товуш қиқармасдан иш-  
лайдиган музлаткич ва кондиционер иш-  
лаб чиқариши мумкин. Хабарларга кўра,  
қотиши таркиби темир, фосфор, марга-  
нец ва германидан иборат. Экспертлар-  
нинг таъкидлашича, янги технология  
ишилдиган музлаткич ва кондиционер  
ишилдиган музлаткич мумкин. Хабарларга к



**Ёшлик инсон ҳаётининг баҳорига қиёсланади.** Барча учун қадрли бўлган бу ширин дамларнинг шукухи ҳам ўзгача. Кимдир ана шундай беғубор дамларни таълимтарбия олишдек эзгу амалларга сарфласа, яна кимдир эса бунинг акси. Зоро, улуф донишмандларимиз: «Ёшиликда олинган билим – тошга ййилган нақшdir», дега бежиз айтишимаган бўлса керак.

## Маънавият

# ИЛГОР ТАЛАБАЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Бугун ёшликинг сурори билан, ўз келажагини курмок учун Республикаининг турли худудларидан келган ёшларни ўз багрига олган «Ёшилик» талабалар шаҳарчаси ҳам мана 20 йилдир, таълим ва тарбияни ҳамоҳанг олиб боришидек эзгу ишга бел болгаган фидойилар масакнага айланбди.

Дарҳақиқат, юртимизда истиклонинг илк кунлариданоқ, маърифат ва маънавият – тараққиёт мезони, деб катыйи беглиланган мезони. Зоро, азалдан юксак мэрарларни кўзлаган ҳар қандай миллат, ҳалқ учун таълим ва маънавиятни ривожлантириши – ҳаёт ва маъмот масаласи бўлбид келган. «Ёшилик» талабалар шаҳарчасида ҳам маънавият ва маърифат масалалари асосий тараққиёт мезони бўлганни учун бу худудни ҳеч иккимиздан «Маънавият ва маърифат бешиги» деб, эътироф этиш мумкин. Шаҳарчада олиб боришаётган барча тадбирлар эса ёшларни таълимни ривожлантириши – ҳаёт ва маъмот масаласи сўзга чиқарилар юртимиз келаҳаги бўлмиш ёшларни бунданда ташаббускорликка, бундан-да серқирига фаолиятга чорладилар. Талабалар ҳам бўлдирилган ишончи ни оқлаб, Ватан раввани йўлида тинмай изланишга вайда бердилар. Биз эса бундай ёшларни келаҳақда жамият раввани, юрт фаронлиги учун ўз бўлим ва салохитларини намоён этишига ишонч билдириб қоламиз.

Шаҳарчадаги ана шундай эзгу ишлардан бири Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўзга маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти кошидаги «Исътедод» жамгармаси, «Ёшилик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ЕИХ билан ҳамкорликка 2006 йилдан бўён талаба-ёшларни ташаббускорликка ўргатиш, уларда раҳбарлик маҳоратни ошириш, улар оғизирилган фидойишига асосий тушунча ва таъмийларини, ўзуккийи демократик жамият куриш қадрятларини сингдириш масакидаги жамгарманинг «Масофали ўқитиш маркази»да «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» маҳсус курси ташкили этилганлиги бўлди. Шу кунга қадар ҳудуддаги таълим муассасаларида 500 нафардан ортикроқ талаба-

ёшлар курсларда ўқиб, ўз малакаларини оширидилар. Бугунги кунда ўзбекистон ўйнилашада таҳсил олаётган талабалар сонинг йилдан-йилга ошиб бораётгани кувонарли ҳол, албатта.

Бу йил ҳам шу йўналишда шаҳарчадаги таълим муассасаларида таҳсил олуви 63 нафар энг фаол, ташаббускор талабалар: талабалар турар жойлари кенгашлари раислари, «Камолот» ЕИХ фаоллари ҳамда иктидорли ёшлар «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» маҳсус курсида таҳсил олиб қайтишиди. Олий ва ўзга маҳсус вазирлигидаги бўлиб ўтган талаба-ёшларга маҳсус сертификатлар топшириш масросимида сўзга чиқарилар юртимиз келаҳаги бўлмиш ёшларни бунданда ташаббускорликка, бундан-да серқирига фаолиятга чорладилар. Талабалар ҳам бўлдирилган ишончини оқлаб, Ватан раввани йўлида тинмай изланишга вайда бердилар. Биз эса бундай ёшларни келаҳақда жамият раввани, юрт фаронлиги учун ўз бўлим ва салохитларини намоён этишига ишонч билдириб қоламиз.

Бир сўз билан айтганда, «Ёшилик» талабалар шаҳарчасида амалга оширилган бундекорлик, ободонлаштириш, таъмилашада ҳамда мадданий мәтирий ишлар бугун Президентимиз «Ватанимиз келажак», деб ишонч билдираётган ёшларни ҳар томонлами баркамол шахс килибояяга етказишга қартилган. Бинонабарин, кўпай, замонавий шарт-шароитлар талабаларнинг мустақил фикрлашида, тафаккур доирасишининг кенгайлишида, имлағ бўлған кишилигининг кучайишида, қалбидаги она-Ватанга, ҳалқига нисбатан меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Ўтқир МАҲҚАМОВ,  
Ўзбекистон Миллий  
университети талабаси



**Анъаналаримиз улугланиб, тўй ва маросимларимизнинг тобора ихчамлашиб, гўзаллашиб бориши ҳаётимизнинг гўзал воқелиги бўлиб хизмат қиласи. Ўзбек тўйининг ортиқча ҳашамларсиз, камтарона ўтишини таъминлаш, эндиғина бунёд бўлаётган навниҳол оиланинг пойдеворини мустаҳкамлаб бориши бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланди.**

## 2012 йил – Мустаҳкам оила йили

# ТЎЙЛАРИМИЗ – ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

Юнусобод туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Шаҳар ва туман «Махалла» ҳайрия жамоат фонди, «Камолот» ЕИХ ҳамкорлигинида «Турон» ресторанида ўтказилган тўрт нафар ёшнинг никоҳ тўйи барча учун ўзига хос намуна бўлди десак муболага кильмаймиз. Карнай-сурнай наволари остида тўйхонага ташриди буорган келин-куёвларнинг кўзида нафар ёшнинг никоҳ тўйи барча учун ўзига хос намуна бўлди. Шаҳар ҳам бўлдирилган ишларни оқлаб, Ватан раввани йўлида тинмай изланишга вайда бердилар. Биз эса бундай ёшларни келаҳақда жамият раввани, юрт фаронлиги учун ўз бўлим ва салохитларини намоён этишига ишонч билдириб қоламиз.

Тумандаги «Кулолқўрон» ва «Матонат» маҳаллаларининг ёшлари учун ўтказилган никоҳ тўйи барча меҳмонларга мансур бўлди. Иккى юз нафар меҳмонлар ташриди буорган тўй ўзбекнинг ўзлигини «намоён» кибулчи ёшларни маросимга айланди.

Биз шундай дориломон кунларда яқинларимиз, дўстларимиз даврасида никоҳ маросимишниң нишонланишидан жуда мамнунмиз, – дейди «Кулолқўрон» маҳалласида исти-

комат қилювчи кўёвтўра Шавкат Ҳамидов. – Тўй ўзбекнинг миллий урф-одатларини кўз-кўз қиласидан мукаддас анъана на хисобланади. Шундай шинам, кўркам масканди ихчам, тартибила ва ҳаммага мансур тарзда ўтказиллаётган тўйимиз, ҳаётимизнинг энг ёрқин саҳифалиридан бири сифатида хотиримизда ёдабий колади. Бўлажак умр йўлдошинг Сурайёнхон билан келажакда баҳтили оиланинг соҳиби бўлбид, ширин турмуш куришимизга ишнаман ва барча иштирокчиларга ва ҳомийларга миннатдорчилек билдираман.

Ха, дарҳақиқат, тўй мисоли бир кўзгу, унда эзгуликнинг, яхшилигининг, нурафшон кунларинида маънавиятимизнинг

акси намоён бўлди.

Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан кам таъминланган оила фарзандлари учун ташкил этилган ўзбекнинг никоҳ тўйида, миллий урф-одатларимизнинг энг намунали ва ибратли, гўзал кўринишлари намоён бўлди.

Ушбу никоҳ маросимишни ибратли томонларидан янга бирни шунда бўлдики, шодиёнда факат битта ансамбл – «Еврөсиё» гуруҳи иштирок этиб, миллий куй-кўшиклар ва дилбар рақслар билан дилларга қўтиарники кайфият багишлади.

Нуроний отаҳон ва онахонлар дусоси бетакор келин салом маросими билан ниҳоясига етган намунали тўй барчага хушкайфтаги бағишлади. Шавкатжон ва Сурайёнхон, Фурқатжон ва Гавҳаройларнинг нигоҳидаги мамнунлик, юзидағи шодлик, кўзларидаги куонч учунларни даврага янада шодлик ва файз улаши.

Ҳомий ташкилотлар томонидан тадқим қилинган совфалар ҳам янги келин-куёвларни бениҳоя шод этди.

Гулчехра ДУРДИЕВА  
СУРАТЛАРДА: «Турон» тўйхонасида бўлиб ўтган намунали никоҳ маросимидан лавҳалар

Козим Ўлмасов  
олган суратлар

## 18 май – Халқаро музейлар куни муносабати билан юртимизда илк бор «Музейлар кечаси» ўтказилади.

Музейлар бошқа маданият муассасалари каби киши дунёқарашини кенгайтиради, бойитади. Ин-

ӯзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мутахассисларининг таъкидлашича, 18 май куни пойтактадаги Маданият ва санъат кўргазмалар залидаги мамлакат музейларининг энг яхши экспонатлари фотокўргазгаси маси очилади. Бу

куни барча музейларга кириш бепул бўллади.

Музейлар ўтмиш билан буоруни кунни бир-бира гоғончи кўпикдир. Айни пайтда «Музейлар кечаси» лойиҳаси доирасида юртимиздаги барча музейларда тарғибот-ташвиқот, тайёргарлик ва маданий-маърифий ишлар мухаббат тўйгуларини шакллантириш мақсадига мувофиқидir.

Азима ҚИЁСОВА,  
«Туркестон-пресс»

# ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАКНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

сонга юрти, ҳалқи тарихини, санъати ва анъаналарини ўрганиш ва ўзлаштиришда асосий восита бўлиб хизмат қиласи. Колаверса, келажак эгалари бўлмиш ёшларни музейларга кизиқинши ўйғотиш учун уларни болалигидан она табиат билан яқиндан танишириш, шу асосда уларда раҳмидиллик, меҳр-оқибат, табиатга, Ватанга мухаббат тўйгуларини шакллантириш мақсадига мувофиқидir.

Музейлар ўтмиш билан буоруни кунни бир-бира гоғончи кўпикдир. Айни пайтда «Музейлар кечаси» лойиҳаси доирасида юртимиздаги барча музейларда тарғибот-ташвиқот, тайёргарлик ва маданий-маърифий ишлар мухаббат тўйгуларини шакллантириш мақсадига мувофиқидir.

Азима ҚИЁСОВА,

«Туркестон-пресс»

## Қонун барчага баробар

# ҚИНФИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

Рисоладагидек турмуш тарзига эга бўлиб, бадавлат яшашни ҳамма хоҳлайди. Бу табиий ҳол. Инсон ниятига етиш учун елиб-югуради, ҳаловатидан кечади. Айниқса, тижкорат ва тадбиркорликка кенг йўл очилган буоруни кунда бу ишга лаёқати бор фуқароларимиз тузук даромад қилаяти.

Бундан факат куониш керак. Тижкоратчилар даромад олиш ниятида эканлар, уларнинг албатта, тартиб-коидага амал қўймокларни кечади. Аммо, айрим фуқаролар нафс балосига йўлишиб, охирда шарманда бўлишишмокда.

Чончони, «Avto Tek Plus» маъсузлияти чекланган жамиятияни раҳбари Бектас Бекзаков қонун-коидади яхши билади. Ахир, МЧЖ тузиш учун тегиши жойдан рўйхатдан ўтиш, бундан хисоб раками очиши ва хокказо хужжатларни расмийлайтириш кишидан билим ва ҳаракат талаб қиласи. Шундай экан, Бектас Бекзаков ҳам амалдаги қонунлар ва мөъёрий хужжатлардан хабардор эди. Хўш, унда нега жамиятияни раҳбари қинғир ишга кўл урди? Назаримизда, Бектас Бекзаков «операцияни ҳеч ким билмайди, деган хәлға борган бўлиши керак. Бўлмаса, у банка топширилган измас, кўнг измас 116272,00 минг сўмни банк муассасасига кирим қўйган бўларди-да. Маблагларни жамиятияни моливий хисобларида қайд этилган ҳамда солик тўлашдан қасддан бўйинтовлаган. Қинғир ишнинг қиийиги кирк йилдан кейин ҳам чиқади, деганларидек, Б. Бекзаковнинг кирдикорлари тезда фош этилди. МЧЖ раҳбари нисбатан жиноятни иши қўзғаттилди. Суд унга жазо тайинлашда жиноятнинг хусусиятлари ва содир этилиши сабаблари ҳамда бошқа жиҳатларни ётибогра олди.

Ҳар қандай ишда ҳалоллик бош мезон хисобланади. Аксинча бўлса оқибати войдир. Шундай экан, ҳалқимизнинг барака – ҳалолликда, деган ўтигини ёдда тутайлик.

Шароф АБДУВОХИДОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖДЛ҆КК департаменти Бектемир  
туман бўлими катта суриштирувчиси

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олиши ҳоҳлайсизми?**  
**Бу борада ишончли ҳамкор изляпсизми?**  
**Унда шошилиб таваккал қилинган!**  
**Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.**

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган "КО'ЧМС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ" МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишида ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига кўнгироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боргланни. Кўчмас мулкнингиз оммавий тарзда ишончли хизмат кўрсатади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

"КО'ЧМС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ" МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифат

